ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00321

ЖИНОЯТЧИ ХУЛҚИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШДА ПРОФАЙЛИНГ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ҚЎЛЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Эркинбай Ниязметович Сатторов
Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси академияси психологик таъминлаш бўлим бошлиғи, Психология фанлари номзоди, доцент

Мирзаакрам Собиржонович Қодиров
Божхона институти Қайта тайёрлаш ва малака ошириш факультети катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада дастлабки терговни ташкил этиш босқичида профайлинг технологиясининг ахамиятли жиҳатлари кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, криминал профайлингни дастлабки терговни ташкил этиш босқичида қўллаш бўйича жаҳон етакчи психологларининг қарашлари ва криминал психотиплар ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган. Шунингдек, мақолада профайлингдан жиноятчи шахсини аниқлашда фойдаланиш имкониятлари кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: профайлинг, профиль, психологик портрет, жиноят, криминал, психотип, технология, қотиллик.

POSSIBILITIES OF APPLICATION OF PROFILE TECHNOLOGY IN THE ANALYSIS OF CRIMINAL BEHAVIOR

Erkinbay Niyazmetovich Sattorov
Associate Professor, Head of the Department of Psychological Support of the Academy of the Prosecutor General's Office of the Republic of Uzbekistan, Candidate of Psychological Sciences

Mirzaakram Sobirjonovich Kodirov
Senior Teacher, Faculty of Retraining and Advanced Training of the Customs Institute

ABSTRACT

This article highlights the important aspects of profiling technology at the stage of organizing the initial investigation. It also provides detailed information on the views of the world's leading psychologists on the application of criminal profiling at the stage of organizing the initial investigation and criminal psychotypes. The article also shows the possibilities of using profiling to identify an offender.

Keywords: profiling, profile, psychological portrait, crime, criminal, psychotype, technology, murder.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00321

КИРИШ

Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида тергов фаолияти ўзига хослиги билан ажралиб туради. Чунки дастлабки тергов ҳаракатларини олиб бориш, воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш, тинтув ва бошқа тергов ҳаракатлари доимий равишда жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбдор ва бошқа турли тоифадаги одамлар билан учрашиш, улар билан мулоқотга киришиш заруратини келтириб чиқаради ва терговчидан чуқур психологик билимларни талаб қилади. Бу эса ходимлардан психология фанини, шунингдек, Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида юз берадиган салбий психик ҳодисалар (руҳий ҳолатлар ва жараёнлар, психологик хусусиятлар)ни яхши билиш, уларга қарши доимо тайёр туришни тақозо этади.

Кўплаб илмий нашрларда ҳуқуқ-тартибот ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида зўравонлик жиноятларини содир этган шахсларнинг шахси ва хулқ-атвори ҳақидаги билимларни қўллаш муаммолари муҳокама қилинмоқда. Хорижий тадқиқотлар натижасида олинган маълумотларга кўра ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг касбий фаолиятини психологик қўллаб-қувватлашда янги йўналиш пайдо қилиниши кераклиги тақозо этилмоқда. Гап психологик усуллар мажмуидан фойдаланган ҳолда шахсларнинг вербал ва новербал хатти-ҳаракатларидан хусусий белгиларини таҳлил қилиш асосида унинг нима ўйлаётганлигини, рост ёки ёлғон гапираётганлигини қисқа фурсатларда аниқлаб олиш техникаси, яъни профайлинг методи тўғрисида бормоқда. Ушбу йўналишдаги билимлардан ҳуқуқ-тартибот ходимлари жиноятларни аниқлашда, ҳал этиш ва тергов қилиш жараёнида фойдаланишнинг имкониятларини беради. Биз ҳам ушбу мақолада дастлабки терговни ташкил этиш босқичида профайлинг методи қўлланишининг афзалликлари ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Аввалombор дастлабки тергов тушунчасини психологик талқинига тўхталсак. Дастлабки тергов - қонунни қўллаш мақсадида терговчи (суриштирувчи) содир этилган жиноят тафсилотларини ойдинлаштиришга қаратилган мулоқотга киришиш, кузатиш, эшитиш, ташкил этиш, эслаш, идрок этиш, хаёлан тиклаш, тафаккур қилиш, тусмол қилиш, хулосага келиш ва қарор қилиш жараёнларидан иборат ақлий фаолиятидир.

Дастлабки терговда психологик билимлардан фойдаланишга зарурат туғилади. Шу жумладан кейинги пайтларда бутун дунёда хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қўлланилаётган профайлинг технологиясини қўллаш ходимнинг фойдали иш коэффициентини сезиларли даражада оширади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00321

Шунингдек, бундай билимларнинг қўлланилиш кўлами ва мазмунига қараб, фаолият самарадорлиги шунчалик ижобий бўлади. “Профайлинг” атамаси инглизча “profile” - профиль сўзидан келиб чиққан ва дастлаб жиноят жойидаги излар асосида номаълум шахснинг қидирув психологик портретини (профилини) тузишда қўлланилган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ҳозирги кунда хорижий мамлакатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти доирасида икки жабҳада профайлинг ишлари олиб борилмоқда. Биринчиси, криминал профайлинг доирасида. 1888 йилда психологик портрет тузишга дастлаб уринганлардан бири британиялик жарроҳ Томас Бонд (чавақловчи Жек шахсига нисбатан қўллаган) ҳисобланади. Ғарбда шахсни профиллаш 1985 йилда Федерал қидирув бюроси (ФБР)да П. Брукс ва Р.Рёсслер раҳбарлигида зўрлик ишлатилган серияли жиноятларни фош этишга кўмаклашиш мақсадида ишлаб чиқилиб, зўравон жиноятчиларни ушлашнинг VICAP (зўравон жиноятчиларни аниқлаш дастури) дастури доирасида қўлланилган. Зўравон жиноятчиларни ҳибсга олиш дастурининг ишлаши зўравон табиатга эга бўлган, маниакл хулқ-атворли шахсларни кетма-кет жиноятларини аниқлашга ёрдам беради. Австрия, Германияда бундай дастур VICLAS (зўравон жиноятчиларни ўзаро алоқадорлигини таҳлил қилиш тизими) деб аталади. Ушбу дастурнинг асосий мақсади терговга кўмаклашиш бўлиб, хулқ-атворга оид кўрсаткичлар акс этган психологик портрет тузишда намоён бўлади.

Криминал профайлинг деганда, шахснинг ўзига хос фазилатларини ташҳислаш бўйича психологик услублар мажмуасидан фойдаланган ҳолда тахминий (қидирилаётган) жиноятчини психологик портретини тузиш тушунилади. Криминал профайлинг услубиёти, жиноий иш материаллари билан ишлаш ва исботларни талқин қилишни назарда тутади. Профайлер ишининг натижаси бўлиб, криминал профил – содир этилган жиноят ёки жиноятлар серияси негизида жиноятчи ҳамда қурбоннинг шахси ва хулқ-атвори тавсифлаб берилган юридик аҳамиятга эга бўлган ҳужжат ҳисобланади.

Одатда, суд ва криминал психология доирасида олиб бориладиган тадқиқотларда гумонланувчи, айбланувчи, судланган шахсини ўрганиш ҳажми аниқланади, лекин бу шахсни ўрганиш ҳажми ёки схемаси, ҳар қандай психологик тадқиқот объектига тааллуқли бўлиши мумкин: ижтимоий-демографик маълумотлар; жиноий-ҳуқуқий маълумотлар; тиббий маълумотлар;

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00321

ташқи (жисмоний) маълумотлар; ҳаёт йўли; турмуш тарзи; аҳлоқи; шахснинг йўналганлиги; қобилиятлари; мижози; табиати ва бошқалар.

Иккинчиси, транспортдаги “профайлинг” тушунчаси ҳаво сафарида хавфли шахсларни аниқлаш учун парвоздан олдинги текширув пайтида йўловчиларни кузатиш ва интервью олиш технологиясига ишора қилади. Бу йўналиш, божхона органлари фаолиятида истиқболли ҳисобланади.

Профайлинг услубини қўллаш асосига коррупцион, террорчилик жиноятлар, гиёҳванд моддалар, психотроп воситалар, қурол-яроғ ва ўқ-дориларнинг ноқонуний айланиши, шунингдек серияли жинсий жиноятларни содир этувчи жиноятчиларни хулқ-атворининг доимийлигини киритиш зарур. Шу билан бир вақтда, жиноятларнинг ўзи каби жиноий суиқасдларни ҳам идентификациялаштириш мақсадида психологик билимларни қўллаш имкониятларини баҳолаш мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги вақтда бу йўналишдаги тажриба, жиноятни содир этишга алоқадорлик қидирув белгиларини аниқлаш учун аниқланмаган шахсни (жиноятчини, бузувчини) психологик портретлашнинг (профиллашнинг) турли моделларини таърифлаб беради. Эҳтимолий шубҳали шахснинг жиноятни ёки шундайни содир этиш суиқасдига алоқадорлигини исботлашнинг илмий асослаш зарурияти, криминалистика, психиатрия, психология каби илмий соҳаларда шакллантирилган билим, восита ва услубларнинг амалдаги ҳуқуқ-тартибот фаолиятига интеграциялаш нуқта-назарида ётади. Ҳозирги вақтгача, хизмат фаолиятини психологик таъминлаш доирасида ёлғон феномени ва яшириладиган маълумотларни ўрганишнинг назарий ва амалий жиҳатларига тегишли бўлган ахборотларнинг катта ҳажми тўпланган. Бу масалани хал этиш учун, жиноий ҳатти-ҳаракатнинг субъектив психологик томони элементларини – ҳуқуқбузарнинг профилига бирлаштирилган унинг шахсий фазилатларини акс эттирувчи ҳатти-ҳаракатларидаги баъзи бир жиҳатларини ўрганиш истиқболли ҳисобланади. Бу услуб, жиноятнинг барча криминалистик таърифлари айбдорнинг шахси ва ҳулқ атворининг билвосита ёки бевосита акси деган ҳолатга таянади.

Хуқуқ-тартибот органларининг амалий фаолиятида жиноятчини портретлаш масалалари билан бир қатор хорижий давлатлар: АҚШ, Буюк Британия, Канаданинг мутахассислари шуғулланишган. Натижада бир нечта мустақил моделлар (профиллар): Д.Россмо географик модели (Канада), Д.Кантер модели (Буюк Британия), Федерал қидирув бюросининг - ФҚБ модели (АҚШ) яратилган.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00321

МУҲОКАМА

АҚШдаги ФҚБ Академиясининг (Квантико, Виржиния штати) хулқ-атвор фанлари бўлими ходимлари томонидан психологик профиллаш дастури ишлаб чиқилган. Р.Ресслер томонидан Ушбу усулнинг қуйидагича таърифи берилган: “шахснинг умумий тавсифини ташкил этувчи индивидумнинг барча психологик таърифларини у томонидан содир этилган жиноятлар таҳлили асосида идентификациялаш жараёни”. Турли хилдаги, шу жумладан террористик тусдаги жиноятларнинг криминалистик тавсифлари бир вақтнинг ўзида қамоқдаги жиноятчиларнинг шахсий ва хулқ-атвор фазилатларини тадқиқ этган ҳолда синчиклаб таҳлил қилинган. Ушбу маълумотларни таққослаш жиноятни содир этган шахснинг белгилари ва у томонидан содир этилган жиноий ҳаракат белгилари ўртасида статистик аҳамиятга эга алоқаларни ўрнатишга имкон берди. Бир неча йиллардан кейин шахси аниқланмаган жиноятчининг психологик профилини тузиш услуби ишлаб чиқилди. Ушбу услубни амалиётда қўллаш жараёнида жиноят воқелигининг хулқ атвор реконструкцияси амалга оширилди. Ушбу муолажа кетма-кетликда қуйидагиларни ўз ичига олган:

• психологик талқин нуқтаи назаридан аҳамиятли бўлган маълумотларни тўплаш;

• жиноятнинг умумий кўринишида ҳаракатларни бажариш мантиқи ва мотивацион томонларини аниқлаш;

• жиноятчи томонидан бу ёки бошқа ҳаракатларни бажариш кетма-кетлигини аниқлаш;

• айбдорнинг тавсифлари ва қидирув белгиларини аниқлаш;

• кейинги қидирувни ўтказиш стратегияси бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш.

Кўргазма мисоли сифатида жинсий жиноятларни қидирувини амалга оширишда шахснинг профилланишини қўллаш амалий тажрибаси ҳақидаги маълумотларни келтириш зарур. Ю.М.Антонян жинсий жиноятларга шахснинг жинсий кечинмалари, жинсий қизиқишлари ва мотивлари, жинсий ҳаёти ва унинг жинсий муносабатлари билан боғлиқ бўлган, ноқонуний ҳаётдан маҳрум қилиш ҳолатларини киритишни таклиф қилади. Бу қотилликлар шаҳвоний, масалан, зўрлаш каби ҳатти-ҳаракатлар билан кузатилмаса ҳам, ўзининг ички мазмуни ва субъектив маъноси бўйича айбдорнинг жинсий ҳаёти, унинг қарама-қарши жинсдаги шахслар билан муносабатлари билан шартланади. Бундай қотилликларда жинсий туртки (мотивация) жиноятчи томонидан ўз муддаосини

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00321

айтиш ёки қурбоннинг жинсий аъзолари билан манипуляциялар, шу жумладан символик жинсий ҳаракатларни бажариш даражасида кузатилади.

Ушбу муаммони хал этиш учун, криминал ҳатти ҳаракатнинг субъектив психологик томони элементларини - жиноятчининг шахсий фазилатларини акс эттирувчи ва жиноятлар серияси доирасида маълум бир доимийликда намоён бўлувчи уни хулқ атворининг баъзи бир жиҳатларини ўрганиш, қидирув жараёнида самарали ҳисобланади.

НАТИЖАЛАР

Д.Дуглас ва К.Манн жиноятчиларнинг (хусусан, серияли қотилларнинг) криминал хулқ-атворини баҳолаб туриб, жиноятчининг ҳаракати усули (modus operandi) ва унинг кўпинча “жиноят дастхати” деб аталувчи автографини (signature) чегаралаб қўйишган. Ушбу тушунча, криминал мақсадга эришиш учун зарур бўлган ҳаракат усулини тавсифлайди. Жиноят дастхати (жиноятчининг дастхати) жиноий фаолиятнинг операционал томони, унинг динамик ташкил этувчиси (тажриба таъсирида ўзгарувчи) ва адаптив ташкил этувчисининг (ситуатив омилларнинг таъсирига берилувчи) уйғунлигидан иборат. Дастхатда, янада индивидуаллаштириладиган, вақтда доимий, вазиятда турғун бўлган криминал хулқ-атворнинг мазмунли томони намоён бўлади ва криминал мақсадга эришиш учун зарур бўлиб ҳисобланмайди. Жиноятчининг дастхати, унинг когнитив ва эмоционал жараёнлари динамикасига таъсир кўрсата туриб, жиноятчи хулқ-атвори турткисининг асосида ётади, бу эса охир оқибатда унинг шахси, турмуш тарзи, ҳаёт мазмуни, жинсий тажрибаси ва бошқа кўплаб фазилатларининг билвосита акси бўлади.

Масалан, Д.Дуглас ва К.Манн серияли қотил дастхати (signature analysis) таҳлили заруриятини асослайдилар, уни ўтказиш жараёнида жиноятлар ҳақидаги маълумотларни психологик талқин этиш орқали бир қатор криминал ҳолатларда хулқ-атвор доимийлигини аниқлаш имконияти очилади. Профиллашнинг муҳим жиҳати бўлиб, диққатни “жиноий хулқ-атвор далилларига” қаратиш ҳисобланади, масалан, тергов (тергов ёки юзма-юз учраштириш) ҳаракатларини ўтказишда уларга қуйидагилар киради:

1) руҳий ҳолатнинг умумий ноадекватлиги;

2) ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари билан мулоқот қилишдаги хулқ-атворнинг нотабийлиги ва ясамалик;

3) атрофида бўлаётган нарсаларга бефарқлик.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00321

Профайлинг психотехникаларига тезкор мулоқотни ўрнатиш ва зарур маълумотларни олиш мақсадида мулоқот қилиш ва эҳтимолий жиноятчига таъсир кўрсатишнинг турли хил техникаларини киритиш зарур. Терговчи профайлингга оид бўлган барча йўналишларни эгаллай олса қаршисида турган шахс ҳақидаги маълумотларни қисқа фурсат ичида аниқлай олади. Бунинг учун у визуал психодиагностика, графалогия, физиогномика, эмоцияларни ўқиш, паралингвистик воситалар орқали ёлғоннинг белгиларини аниқлаш техникаларини ва бошқа шу каби касбий компетенцияларни ўзлаштира олса жиноятчининг ҳақиқий профилларини ярата олади.

Криминал профайлингда қидирилувчи, гумонланувчи (айбланувчи) шахсини ўрганиш асосини амалий характерология ташкил қилади. Хорижий психологияда маълум бир психотипга (акцентуация) қараб одамларнинг шахс хусусиятларини турли хил таснифлаш мавжуд (К.Леонгард, К.Г.Юнг, Р.Кречмер, А.Кемпински, А.Е.Личко, А.П.Егидес, В.В.Пономаренко). Шу билан бир вақтда, Россия юридик психологиясида жиноятчини психологик портретини тузишнинг турли вариантлари ва схемалари таклиф қилинган (А.И.Анфиногенов, В.Л.Васильев, Ю.В.Чуфаровский, Г.Г.Шиханцов). Улар серияли қотил шахсини батафсил кўриб чиққан. Лекин, шу вақтнинг ўзида, терговда иштирок этаётган ходимлар амалий фаолияти нуқтаи назаридан етарли даражада муҳим ва зарур бўлиб, ўз шахсининг бошқа хусусиятлари билан бирга, террорчилик ҳаракати, босқинчилик, таловчилик, безорилик, саломатликка турли даражадаги тан жароҳатлари етказиш ва бошқаларни содир этишга мойил бўлган агрессив психотипларнинг характерологиясини тўлиқ ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Биз, юқорида кўрсатиб ўтилган олимлар томонидан таклиф этилган катта ҳажмдаги психотиплар таснифларидан психолог, собиқ терговчи В.В.Пономаренко томонидан таклиф қилинган таснифни энг батафсил ва аниқ намоён бўлувчи мезонларга эга бўлган тасниф деб ҳисоблаймиз. Мазкур таснифга кўра шахснинг криминал профилини ташкил қилиши мумкин бўлган агрессив психотипларга қуйидагилар киради: истероид, эпилиптоид, параноид, шизоид. Бошқа - гипертим, эмотив, ҳавотирли-шубҳали психотипларнинг - жиноятни ташқи таъсирсиз содир этишга бўлган қобилиятлари даражаси жуда паст.

Жиноий иш материалларини таҳлил қилгач, мутахассис ходим шахсни ўрганиш схемасини ишлаб чиққандан сўнг, жиноят содир этишда гумон қилинган шахслар доирасини торайтириши мумкин, бу кўпинча жиноятлар

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00321

агрессив психотиплар томонидан содир этилади, улар истероид, эпилептоид, параноид ва шизоидни ўз ичига олади. Айнан иш жараёнида шу каби психологик маълумотларга риоя қилса вақт анча қисқариб, жиноятчининг ҳақиқий профили ҳам аён бўлиши мумкин.

ХУЛОСА

Ҳуқуқ-тартибот органлари хизмат фаолиятининг илмий-услубий таъминоти тизимини, хизмат вазифаларини хал этиш самарадорлигини ошириш мақсадида қўлланилиши зарур бўлган криминологик, криминалистик, психиатрик, психологик технологияларга асосланган профайлинг соҳасидаги билим, услуб ва технологиялар мажмуасига эга бўлган тегишли мутахассисларсиз яратиш ва фаолият кўрсатиши мумкин эмас. Ҳозирги вақтда хуқуни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг малака ошириш дастурларига, эҳтимолий хавфли субъектларнинг (жиноятни содир этишда гумон қилинаётган, жиноят, шу жумладан террористик характердаги ва ҳ.к.) эмоционал ҳолати новербал профиллари услуби сифатида профайлинг психотехнологияси элементларини киритиш зарур. Шунингдек, дастлабки тергов жараёнида хулқ-атвор таҳлили (профайлинг) соҳасида махсус тайёргарликка эга бўлган профессионал психологларнинг иштироки муҳим ҳисобланади. Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи гуруҳларга профайлерларни жалб этиш, энг мураккаб жиноий ишлар бўйича дастлабки терговни олиб боришда самарали ҳисобланади. Мазкур амалий фаолиятни қотилликлар, босқинчилик, террорчилик, иқтисодий ва коррупцион жиноятлар, шунингдек вояга етмаган ва кекса ёшдагиларга нисбатан жиноятларнинг очилиши ва олдини олишни таъминлашга йўналтириш, профайлерларнинг ихтисослашувларини эса олий касбий таълим муассасалари, шу жумладан идоравий бўйсуниш линияси бўйича ўтказиш самарали.

REFERENCES

1. Дастлабки тергов фаолияти психологияси: Дарслик / Б.Н. Сирлиев, И.А. Соттиев ва бошқ.; Ш.Т. Икрамовнинг умумий таҳририда. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 362 б.
2. Қодиров М.С. Профайлинг методининг ривожланиш тарихи. “XXI асрда илм-фан тараккиётининг ривожланиш истикболлари ва улар да инновацияларнинг тутган урни” мавзусидаги Республика 1 -илмий онлайн конференцияси. Тошкент. 2018. 126 б.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00321

3. Асеев В. Г. Мотивация поведения и формирования личности. М., 1976. 246 с.
4. Canter D., Heritage R.A Multivariate Model of Sexual Offence Behavior // The Journal of Forensic Psychiatry. 1989. Vol. 1.
5. Ressler R., Burgess A., Douglas J. Criminal Profiling Research on Homicide. Unpublished Research Report. N. Y., 1982.
6. Лаговский А.Ю., Скрытников А. И., Тележникова В. Н., Бегунова Л. А. Составление психологического портрета преступника: Учеб.-метод. пособие. М., 2000.
7. Феофанов О. А. Агрессия лжи. М.: Политиздат, 1987. 318 с.
8. Фернхем А., Хейвен П. Личность и социальное поведение. М.: Питер, 2001. 360 с.
9. Филонов Л. Б. Психологические способы выявления скрываемого обстоятельства. М.: Изд-во МГУ, 1979. 99 с.
10. Пономаренко, В.В. Практическая характерология с элементами прогнозирования и управления поведением (методика «семь радикалов»). – Ростов-н/Д.: Феникс. 2006. – 252 с.